ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ



Педагогика фанлари номзоди доцент Камолиддин Турғунбоев 70 ёшга тўлди. У 1939 йил 10 августда Андижон вилояти Избоскан туманида таваллуд топди. Андижон шаҳридаги 6-мактабни аъло баҳоларга битириб, Андижон давлат педагогика институтида таҳсил олди, ўқишни имтиёзли тугатгач, Бўз туманидаги мактаб-интернатда, сўнгра Андижон шаҳридаги 15-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ишлади. 1964 йилдан Андижон давлат педагогика институтида услубчи сифатида иш бошлаган. Унинг шундан кейинги қирқ беш йиллик илмий-педагогик фаолияти шу даргоҳда кечди: ассистентликдан кафедра мудири, факультет декани, илмий ишлар бўйича проректор даражаларигача етишди.

Домладаги илмга чанқоқлик уни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига бошлади: 1968-1971 йилларда аспирантура таҳсилини олиб, 1973 йилда “Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда дастлабки одоб нормаларини тарбиялашда оила ва мактабнинг ўзаро боғлиқлиги” мавзусидаги номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади. Ҳимоядан сўнг Андижон давлат педагогика институтидаги фаолиятини давом эттирган ёш олим ўзининг илмий салоҳияти, илмпарварлиги, ташкилотчилиги билан тез назарга тушди.

Устоздаги бу фазилатлар 1981-1993 йилларда — илмий ишлар бўйича проректор вазифасида ишлаган даврда, айниқса, яққол кўзга ташланди. Бу даврда институтнинг илмий-тадқиқот ишлари самарадорлиги, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича кўрсаткичлари Республика олий ўқув юртлари ичида етакчи ўринга кўтарилди. Институтда янги пахта навларининг яратилишида, кимё, иқтисод, тарих, филология, физика соҳалари бўйича олиб борилган фундаментал тадқиқотлар, “Ўқитувчи” халқаро дастури доирасидаги педагогика фани бўйича илмий ишларда К.Турғунбоевнинг ташкилотчи-раҳбар сифатидаги бевосита ҳиссаси бор. Худди шу гапни институтда ультратовуш, математика ва уни ўқитиш методикаси, радиасезгирлик муаммолари ва бошқа кўплаб муаммоларга бағишланган халқаро (ўша вақтда МДХ) илмий анжуманларнинг ўтказилиши, уларга Шульц Алексовский каби дунё таниган академикларнинг жалб этилгани ҳақида ҳам айтиш мумкин. Андижон давлат педагогика институтининг ўша даврда халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш, бронза медаллари, махсус дипломлари билан мукофотлангани, бу борада институтнинг Фарғона водийси олий ўқув юртлари ичида етакчи ўринга чиққани ҳам маълум даражада домладаги ташкилотчилик қобилиятининг самарасидир. Мана яна бир ёркин мисол: институтда 1981 йилда ташкил этилиб, хўжалик шартномаси асосида 115 минг рубл маблағ билан иш бошлаган илмий лаборатория қисқа муддат ичида мудофаа вазирлиги томонидан молиялаштириладиган “Тўлқинли жараён” соҳа лабораториясига айлантирилди. 1987 йилга келиб ушбу лабораторияда бажарилаётган илмий ишлар ҳажми 6 миллион рублга, унда ишловчи ходимлар сони эса 500 кишига етди. Бу кўрсаткич ўша вақтда Республика бўйича ТошДУдан кейинги иккинчи натижа эди. Махсус лаборатория ва ундан келадиган даромад эвазига институтнинг моддий техник базаси кенгайди, мақсадли илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди.

К.Турғунбоев 1993-1995 йилларда педагогика факультети декани вазифасида ишлаб, моддий-техник базасини мустахкамлаш, ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш йўлида жонбозлик кўрсатди, жамоага кўплаб иқтидорли ёшларни жалб этди.

Педагогика ва психология кафедраларини бошқарган (1998-2000, 2002-2004, 2005-2007) йиллари К.Турғунбоев “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишга жамоани сафарбар этди, ўзи ҳам астойдил ишлади: қатор мутахассислик фанлари бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқди, “Педагогик маҳорат асослари”(2002), “Педагогика назарияси ва тарихи” (2005), “Замонавий педагогик технологиялари” (2008), “Педагогик технологиялар”(2008), “Ижтимоий педагогика” (2009), “Қиёсий педагогика” (2006) каби қатор ўқув қўлланмаларини нашр этди.

Заҳматкаш олим, толмас ташкилотчи ва меҳрибон устоз К.Турғунбоев бугун муборак 70 ёшда. Домлани бу қутлуғ сана билан муборкабод этаркан, мустаҳкам соғлик, оиласига тинчлик-фаровонлик, илмий ишларида янги-янги муваффақиятлар тилаб қоламиз.

А.Тешабоев,
педагогика фанлари номзоди, доцент